O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 3 июнь, № 111 (4774) Чоршанба


# КИЧИК БИЗНЕС – БУНЁДКОР КУЧ

**Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа истиқболи сари ташланган муҳим қадам бўлди.**



СУРАТДА: жамият ишчиси Сурайё Аҳророва. Б. АКРАМОВ олган сурат.

Ушбу ҳужжатга асосан, тадбиркорларга бир қатор қўшимча имтиёзлар берилиб, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, шу орқали унинг иқтисодиётимиздаги ролини оширишга кенг имкониятлар яратилди.

Тизимда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самарасини Янгийўл шаҳри мисолида ҳам

**Ислоҳот**

яққол кўриш мумкин. Бу ерда жорий йилнинг биринчи чорагида 26 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

"Янгийўл полипропилен қоплари" масъулияти чекланган жамияти — янги иш бошлаган корхоналардан бири.

— Биз "Алоқабанк"нинг 150 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредити туфайли ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди жамият раҳбари Шуҳрат Исмоилов. — Шу мақсадда Хитойдан замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатдик.

Очиғи, иш бошлаганимда, бир оз иккиланган эдим. Аммо тадбиркорликка бўлган алоҳида эътибор, айниқса, солиқ ва

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Пойтахтимизда Ўзбекистонда франчайзингни ривожлантириш истиқболларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди.***

### Франчайзингнинг афзалликлари

Савдо-саноат палатаси, БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистон Бизнес-форуми ва "Diskus Group" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман IV Халқаро инвестицион форум доирасида ўтказилди.

Унда тадбиркорлар ва ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистонда франчайзинг (тайёр бизнесни сотиб олиш ва сотиш) асосида бизнесни ташкил этиш хусусиятлари билан таништирилди, ушбу механизм бўйича тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш билан боғлиқ афзалликлар, муаммолар ҳамда маҳаллий бозорда франчайзингни қўллаш амалиётларини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**О. АСАДОВ.**

***Мамлакатимизда нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда Қашқадарё вилоятидаги "Gissarneftgaz" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси жамоасининг ҳиссаси катта бўлаяпти.***

### Корхона муваффақияти

Улар йил бошидан бери учта нефть ва газ қудуғини ишга туширишди. Шимолий Нишон конида фойдаланишга топширилган энг сўнгги қудуқдан бир кеча-кундузда 270 минг кубометр табиий газ ва 9 минг тоннадан ортиқ газ конденсати қазиб олинмоқда.

Шуниси эътиборга моликки, бу кон ўзлаштирилиши қийин бўлган минтақада жойлашган бўлиб, 3250-3500 метр чуқурликдаги қудуқларни бурғулашга тўғри келмоқда. Қўшма корхона замонавий техника ва технология билан тўлиқ таъминланганлиги учун ҳам бу иш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Андижонда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг "Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат — 2009" кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.***

### Тадбиркорлар кўргазмаси

Унда Фарғона водийси вилоятларидан 50 га яқин тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат солиқ бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда кўплаб шартномалар имзоланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан, ушбу танловнинг Хоразм вилояти босқичи Урганч шаҳридаги 1- болалар мусиқа санъати мактабида бўлиб ўтди.***

### «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида ўтказилаётган ана шу кўрик-танловнинг шаҳар, туман босқичлари жойларда мактаблар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Ғолиблар танловнинг вилоят босқичида қатнашдилар.

Танлов якунига кўра, Урганч шаҳар 1-болалар мусиқа санъати мактаби, 24-ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Урганч туманидаги 14-мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ, парламент қуйи палатаси депутатларининг жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган навбатдаги учрашувлари ниҳоясига етди. Унда асосий эътибор мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид масалаларга қаратилди.***

# ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ

## сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлар моҳиятини белгилади

Энг муҳими, юртдошларимиз ўтказилган очиқ ва ошкора мулоқотларда республикамизда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлишди.

— Ҳақиқатан ҳам, сайловчиларимиз билан бўлиб ўтган мулоқотларимиз жуда қизғин кечди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Аслиддин Рустамов. — Ўтказилган учрашувлар чоғида амин бўлдикки, бугун сайловчиларнинг фаоллиги сезиларли даражада ошган. Айниқса, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга уларнинг ўз нуқтаи назари борлиги кишини қувонтиради. Мана, масалан, дунёнинг қатор мамлакатларини ташвишга солаётган молиявий бўҳрон, мамлакатимизда унинг оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритганимизда, улар ўзларининг дадил фикрлари билан атрофда рўй бераётган ҳодисаларга бефарқ эмасликларини намоён этди.

**Депутат ва ҳаёт**

Бугун депутатларнинг эл олдидаги ошкора мулоқотлари уларнинг янада фаоллашувига, профессионал парламент талабларига мос ва хос тарзда иш юритишларига имкон яратаётир. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчил олиб борилиши ҳамда қабул қилинаётган қонунлар ижроси жойларда бўлиб ўтган самимий гурунгларда ўз аксини топади.

— Ёшлар — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи. Уларнинг шижоати, интилиши, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишлари ўз келажагига бефарқ эмасликларини кўрсатади. 67-Қумқўрғон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Панжи Жўраевнинг Қумқўрғон туманидаги қатор касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида ўз сайловчилари билан учрашуви чоғида бунга яна бир карра гувоҳ бўлдик, — деб ёзади сурхондарёлик мухбиримиз Олимжон Усанов. — "Глобаллашув жараёнида ёшларнинг ўрни" мавзуида бўлиб ўтган суҳбатларда қишлоқ ёшлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшларнинг ўқиши, билим ва малакага эга бўлишлари учун ҳукуматимиз томонидан кенг имтиёзлар яратилган. Айниқса, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

— Бу эса ёшларнинг ўз-ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, — дейди парламент қуйи палатаси депутати Раъно Зарипова. — Негаки, ўзига, иқтидорига ишонган ҳар бир йигит-қизнинг келажаги ҳам, Президентимиз таъкидла-

(Давоми 2-бетда).

# БРАЗИЛИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасига ушбу мамлакат Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан амалга оширган расмий ташрифи якунлари Бразилия оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди ва шарҳланмоқда.***

Ўзбекистон ва Бразилиянинг ўз минтақаларида муҳим ўрин эгаллашларини эътиборга олган ҳолда, Бразилия оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Лотин Америкасининг етакчи давлати бўлган Бразилия билан ҳар томонлама ҳамкорликни қўллаб-қувватлашини очиқ-ойдин айтгани қайд этилади. Ўз навбатида, Луис Инасиу Лула да Сильванинг Марказий Осиёдаги етакчи давлат бўлган Ўзбекистон Бразилиянинг ишончли ҳамкори деб ҳисоблаши айтилади.

Бразилия матбуоти икки мамлакат раҳбарлари учрашув чоғида Ўзбекистон — Бразилия муносабатлари, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазият, Лотин Америкаси тараққиёти масалалари юзасидан фикр алмашишгани ҳақида ёзади. Президентлар, шунингдек, глобал молиявий-иқтисодий инқироз, унинг таъсирини камайтириш ва оқибатини енгиллаштириш имкониятлари масаласини ҳам муҳокама қилишди.

Ҳар иккала мамлакат ҳам илгари хом ашё экспорт қилгани ҳолда, қисқа тарихий даврда тайёр маҳсулот экспорт қилишга эришган давлатларга айланди ва бу уларнинг ривожланиш йўллари ўхшаш эканини кўрсатиши алоҳида қайд этилади.

Президент Ислом Каримовнинг Бразилияга ташрифини юқори баҳолар экан, оммавий ахборот воситалари давлатлар самолётсозлик, машинасозлик, нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, туризм, транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида бой салоҳиятга эга эканликлари ҳақида ёзади.

**Биз ва жаҳон**

Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик борасида кўплаб ҳужжатлар, музокаралар якунида эса Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасида Қўшма декларация имзолангани таъкидланади.

Мамлакатдаги йирик нашрлардан бири "O` Globo" Президент Ислом Каримовнинг Бразилияга ташрифи арафасида ўз саҳифаларида «Ўзбекистон: улкан имкониятлар мамлакати» бош сарлавҳаси остида Ўзбекистон Республикасига бағишланган туркум мақолалар эълон қилди.

Унда, хусусан, шундай жумлаларни ўқиш мумкин: «Ўзбекистон ҳудуди дунё тамаддунининг қадимий ўчоқларидан бири ҳисобланади. Бу ерда узоқ ўтмишдан бошлаб бирин-кетин қудратли давлатчилик тузилмалари пайдо бўлган.

Ҳозирги Ўзбекистон бутун минтақада барқарорлик ва иқтисодий тараққиётни таъминловчи Марказий Осиёдаги етакчи саноатлашган мамлакатдир.

Ўзбекистон "ўтиш даври" деб аталадиган довондан муваффақият билан ўтган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг 7-9 фоиз суръатда ривожланаётгани кўринмоқда.

2008 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлган 9 фоизга эришди. Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётига 100 миллиард доллардан зиёд, шундан 27 миллиард доллари хорижий сармоядорлар улуши бўлган инвестициялар жалб қилинган».

Нашрда таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни кучайтириш ва диверсификациялашга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишни ишонч билан давом эттирмоқда.

Бугунги кунда 2008 йилнинг ноябридаёқ қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини жадал суръатда амалга ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг олдини олиш ва енгиллаштиришга йўналтирилган».

(Давоми 2-бетда).

*Навоий вилояти:*

# ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА

***— бу мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этишнинг муҳим омилидир***

Навоий — республикамизда саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бепоён Қизилқум кенгликларида жойлашган ва буюк шоир ҳамда мутафаккир бобокалонимиз номи билан аталадиган бу ҳудудда 20 тадан зиёд йирик саноат корхоналари фаолият юритаётгани, шу жумладан, биргина Навоий кон-металлургия комбинатида бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва фосфор ўғитлари учун зарур хом ашёнинг ҳаммаси тайёрланаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

**Жараён**

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони вилоят, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни жорий этиш, хориж инвестицияларини жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб бермоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Нега деганда, ушбу ҳужжатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган.

Шу ўринда "Эркин индустриал-иқтисодий зонанинг ўзи нима? У қай йўсинда фаолият юритади ва мамлакатимизга, хусусан, халқимизга қандай наф беради?" деган савол туғилиши табиий ҳол, албатта.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонунида бу ҳақда шундай таъриф берилган: "... Эркин ишлаб чиқариш зоналари мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида олинган территорияда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ўша ҳудудда жойлашган корхоналарни ижарага олиш, кооператив, қўшма ва чет эл корхоналарини қуриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади".

Иқтисодчи олим Абдулла Холиқуловнинг айтишича, ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ана шу мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастур асосида ташкил этилган зоналар "эркин ишлаб чиқариш зонаси", "корхоналар зонаси" тарзида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

— Мисол учун, — дейди у, — 1957 йили Ирландиянинг "Шеннон" аэропорти базасида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зонани олиб кўрайлик. Бу ерда юзлаб мамлакатларнинг ҳаво йўллари кесишганлиги, яъни сайёҳлар сони кўплиги, қолаверса, тижорат, ишлаб чиқариш ва сармоявий фаолиятни олиб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги чет эл фирмаларининг эгаларига салмоқли фойда келтирмоқда. Бундан, шубҳасиз, Ирландия давлати ҳам катта манфаат кўрмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# БРАЗИЛИЯ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, мақолада таъкидланишича, «Хорижий компаниялар учун Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодиёти сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, ноёб инвестицион муҳит, қулай табиий иқлим шароити, меҳмондўст ва меҳнатсевар халқи каби кўплаб афзалликларга эга».

— Жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тўқнашаётган ҳозирги энергетика етишмовчилиги шароитида Ўзбекистоннинг энг муҳим устунлиги мамлакат иқтисодиётининг ушбу йўналишда дунёдаги жуда кам сонли давлатлар сингари тўла мустақилликка эришганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси газ, нефть, кўмир ва уран захиралари ва уларни соф ҳолда экспорт қилиш бўйича жаҳоннинг ўнта давлати сафига киради. Мамлакатнинг умумий энергетика захиралари яна камида 100 йил давомида иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш учун етади, — дейилади "O`Globo"да.

Газетада алоҳида қайд этилишича, «Ўзбекистоннинг кўп миқдорда маҳсулот сотиладиган бозорларга яқинлиги ва ЕвроОсиё мультимодал коммуникация тизимига интеграциялашган мамлакат транспорт инфратузилмаларининг ривожланиши инвестиция ҳамда савдо-иқтисодиёт йўналишидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб беради».

Шунингдек, **"O` Globo"** Президент Ислом Каримовнинг Бразилияга ташрифининг натижалари ҳақида батафсил шарҳларни чоп этди. Газетанинг ёзишича, «Президент Л. И. Лула да Сильванинг таклифига биноан, мамлакатимизга Президент Ислом Каримовнинг ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги саҳифасини очиб беради ва халқаро сиёсатга доир икки томонлама кенг қамровли масалалар бўйича ўзаро ҳамкорликнинг кенгайишида истиқболли имкониятларни намоён қилади». Нашр Бразилия Президентининг «Мен Президент Ислом Каримовнинг ташрифи давлатларимиз ўртасидаги масофаларни қисқартириши ва бир-биримизни яқиндан билиш сари муҳим қадамлар ташлашни бошлаб беришига аминман», деган сўзларини келтиради.

**"Agenda Estado" ахборот агентлиги**нинг таъкидлашича, «Президент Ислом Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда Бразилия ҳукумати томонидан қабул қилинган чораларга юқори баҳо берди ва иқтисодиёти ривожланаётган икки давлат инқироздан қисқа вақт ичида чиқишига ишонч билдирди».

Бразилиянинг **ABN** ва **"Agency Brazil"** етакчи ахборот агентликлари Президент Л. И. Лула да Сильванинг Ўзбекистон — Бразилия музокаралари чоғида билдирган фикрлари ва Ўзбекистоннинг маданияти, цивилизацияси ҳамда геосиёсий аҳамияти, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги икки томонлама муносабатларнинг истиқболларига берган баҳосини батафсил шарҳлади.

Бразилия Президентининг "Осиё жадаллашув ва инновация тараққиёти марказига айланиб бораётган бир пайтда катта табиий бойликларга эга бўлган Ўзбекистон ва Бразилия ўз иқтисодиётини саноатни диверсификация қилиш асосида ривожлантирмоқда", деган сўзларига эътибор қаратилади.

Бразилия ахборот агентликлари Бразилия Президентининг Ўзбекистоннинг ўз тарихий мероси, турли халқлар ва маданиятлар ўртасидаги мулоқотларни қўллаб-қувватлашда ҳамда мустаҳкамлашда тутиб келаётган анъанавий ўрнига нисбатан собитқадамлиги ҳақидаги фикрларини алоҳида қайд этади. «Ўзбекистон — Марказий Осиёда аҳоли энг зич жойлашган мамлакат бўлиб, Осиёнинг марказида муҳим стратегик ўрин эгаллайди. Бу мамлакат минг йиллик цивилизациянинг бешигидир. Кимки янги сарҳадларни очмоқчи бўлса, Самарқанд ва Бухоронинг Ғарб ва Шарқ учрашадиган жойга айланишига сабаб бўлган қадимги тадбиркор ва савдогарлардан ўрнак олишлари керак», дейди Президент Л. И. Лула да Сильва.

Бразилия оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, Л. И. Лула да Сильва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеи билан Бразилиянинг Жанубий Америкадаги аҳамиятини қиёслаб, Ўзбекистонни «бой табиий захираларга эга, иқтисодиёти қудратли ва кўп миллатли мамлакатдир» дея таърифлади. Унинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида имзоланган сиёсий, иқтисодий, техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар «узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорликка замин яратади».

Шарҳловчилар Ўзбекистон — Бразилия музокаралари чоғида бугунги глобал тараққиёт анъаналарини инобатга олган ҳолда, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб олинганини таъкидлашади. Л. И. Лула да Сильванинг сўзларига кўра, "жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатларимиз янги иқтисодий географияни яратишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари ҳамда халқаро молиявий меъморчиликни ислоҳ этишга кўмаклаша олишлари мумкинлигини намойиш этишди. Мен Президент Ислом Каримовнинг жаҳоннинг банк ва молия тизимида туб ўзгаришларни амалга ошириш зарурати юзага келди, деган фикрини қўллаб-қувватлайман. Ўзбекистон ва Бразилия бу инқироздан сўнг шаклланадиган янги дунё тартибига жуда пухта ҳозирланганига ишончим комил".

Бразилия оммавий ахборот воситалари халқаро хавфсизлик сиёсатининг долзарб масалаларида Ўзбекистон ва Бразилиянинг нуқтаи назарлари кўп жиҳатдан ўхшаш ёки яқин эканлигини алоҳида таъкидлайди. Хусусан, бу БМТ ва унинг тузилмалари фаолиятини ислоҳ қилишнинг истиқболлари билан боғлиқ. Қайд этилишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз ташрифи давомида БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзоликка Бразилия номзодини қўллаб-қувватлашини маълум қилган. Шу билан бирга, Бразилия оммавий ахборот воситалари ядро қуролини тарқатмаслик билан боғлиқ масалаларда икки мамлакат бир хил ёндашувга эга эканлигини таъкидлайди: Ўзбекистон ва Бразилия Марказий Осиё ҳамда Лотин Америкасида ядро қуролидан холи ҳудудларни яратиш заруратининг ташаббускори ва қатъий тарафдоридирлар.

Бразилиянинг **"Аженсиа Сафраш"** ахборот агентлиги икки мамлакат ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Бразилияга амалга оширган расмий ташрифининг натижаларидан бири бўлгани, шу муносабат билан Бразилиа шаҳрида Бразилия Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида беш йил давомида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзолanganини таъкидлайди.

Битимда чорвачилик ва ветеринария каби йўналишлар қамраб олинган бўлиб, шунингдек, у биоёнилғи хом ашёси, сут маҳсулотлари, сабзавотчилик, ер унумдорлигини сақлаш, генетика ва биотехнология, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, чорвачилик хавфсизлиги каби бир қатор муҳим масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга мисол тариқасида қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар ўтказиш, хусусан, ўзаро генетик моддалар алмашиш, биологик ёнилғи ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантириш, маҳсулотларни сақлаш, шунингдек, мутахассислар, олимлар алмашуви ва тренинглар олиб боришни йўлга қўйишга эътибор қаратилади.

Бразилиянинг яна бир таниқли **"Аженсиа Комара де Нотисиаш"** ахборот агентлигининг қайд этишича, Президент Ислом Каримов ва Палата раиси Мишел Темер ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон раҳбари Бразилиянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашида доимий аъзо сифатида иштирок этишини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

**"Пренса Латина"** тарқатган хабарда айтилишича, расмий ташрифдан олдин Бразилия томонидан Сан-Паулу штати Саноат жамғармаси ва Сан-Паулу шаҳри Саноат маркази, Ўзбекистон томонидан эса Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан ишбилармонларнинг икки томонлама форуми ўтказилди. Форумда икки мамлакат ўртасида инвестициялар жалб этиш учун яратилган имкониятлар, савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти намойиш этилди.

— Сан-Паулу штати Саноат жамғармаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси озиқ-овқат ва тери маҳсулотларини қайта ишлаш, пойабзал ишлаб чиқариш, нефть-кимё, кимё ва тўқимачилик саноати каби соҳаларга оид ўзаро англашув меморандумини имзолашди, — дея хабар беради "Пренса Латина".

**«Жаҳон» АА.**

# БИЗДА ЯРАТИЛГАН ТАЖРИБА

**жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишда қўл келмоқда**

Баъзан бир рақамнинг ўзида қанчадан-қанча воқеалар, тақдирлар, ислоҳот одимлари мужассам бўлади. Эътибор қилмаган одам уни шунчаки оддий арифметикадек қабул қилиши мумкин. Ҳолбуки, ўша рақам ҳаётий воқеликка айланиши қай тарзда кечганини тасаввур қилсак, юртимиздаги ўзгаришлар суръати кўз ўнгимизда намоён бўлади.

**Бир рақам шарҳи**

Жорий йилнинг илк чораги якунлари ҳақидаги ахборотда шундай рақам бор: ҳисобот даврида кам таъминланган оилаларга **4992** бош сигир бепул берилди. Оддий рақам, шундайми? Халқимизнинг саховатпешалик, мурувватлилик фазилатларини ифодалаб турувчи бу кўрсаткичда қанчадан-қанча хонадонда қувончли воқеа рўй берганлигини, ўша хурсандчилик бугун, эртага, индин — ҳар куни самара кўрсатаётганини англаш қийин эмас.

Қишлоқда соғин сигири бор хонадон файз-баракали ҳовли саналади. Сут, қатиқ, қаймоқ дастурхонни безайди. Агар уч ойда 4992 бош говмиш берилган бўлса, аввалги йилларда, шу анъана кенг йўлга қўйилганини эътиборга олсак, кейинги уч йилда қанча сигир ҳадя этилди? Статистиканинг кўрсатишича, 2006 йилдан буён ўтган уч йилда 103 минг хонадон шундай саховатдан баҳраманд бўлибди. Эҳ-ҳе, мустақил Ўзбекистон заминида давлатимиз томонидан яратилган шундай муҳит яна қаерда учрайди?! Мана, тўртинчи йилдирки, ғамхўрликнинг бу тури давлат дастурларига алоҳида банд сифатида киритилган.

Оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, Россиянинг Кемерово вилоятида 2009 йилдан инқирозга қарши тадбир сифатида хонадонларга қарзга сигир бериш тадбири бошланибди.

Биринчидан, бизда яратилган анъана йўлга қўйилганда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақида гап ҳам йўқ эди. Иккинчидан, қорамол сотиб олиш учун кредит ажратиш давлат дастурининг бошқа бандида кўрсатилган. 2009 йилнинг дастлабки уч ойида тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8,4 миллиард сўм ажратилди. Натижа ҳам чакки эмас: уч ойда 2008 йил I чорагидагига нисбатан гўшт 106,7, сут 106,8 фоиз кўп ишлаб чиқарилган.

Шу ўринда хонадонларда соғин сигир асраш орқали иқтисодий инқироз кескинлигини юмшатиш тадбирини қўшни давлатдагилар Ўзбекистон тажрибасидан ўрганишган десак, фикримизга қўшиларсиз.

Ҳар бир ишда инсон манфаатини кўзлаш, халқ турмушини фаровонлаштириш Президентимиз сиёсатининг асосий йўналишидир. Ана шу мақсад моҳиятини дил-дилдан англаш, кундалик фаолиятимизда бу олижаноб ишга ҳисса қўшишга интилиш буюк давлат қуришдек юксак марраларимизни янада яқинлаштиради. Ўзбекистонда вужудга келтирилган тажрибалар, чиндан ҳам, кўплар учун ибратлидир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

**Самарқанд томонларда**

***Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ташишга мўлжалланган махсус автомашина совға қилинди.***

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИГА ЯНГИ МАШИНА

Президентимизнинг ушбу соҳага эътибори ва ғамхўрлиги туфайли мазкур муассаса кейинги йилларда янада кўркамлашди. Бу ердаги умумий ўрта таълим мактабининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Икки йил муқаддам мамлакатимиздаги барча Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар қаторида ушбу муассасага ҳам Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «Исузу» автобуси топширилган эди.

– Озиқ-овқат ташишга мўлжалланган машинамиз анча эскириб қолгани туфайли айрим муаммоларга дуч келардик, – дейди Меҳрибонлик уйи директори Салоҳиддин Латипов. – Ушбу юк автомобилининг берилиши бу борадаги муаммоларимиз бартараф топишига хизмат қилади. Бундай ғамхўрликдан ғоят мамнунмиз.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## НАСЛЧИЛИККА ЭЪТИБОР

***Нарпай туманида чорвачиликда наслчиликни яхшилашга жиддий аҳамият қаратилаяпти.***

Туман чорвадорлари ўтган йили Голландиядан 71 бош зотдор қорамол келтиришди. Улар бугунги кунда чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда боқилмоқда.

Айни пайтда туманда қорамоллар сони 30 минг бошдан ошди. Уларга хизмат кўрсатиш учун 15 та зооветеринария пункти ишлаб турибди. Асосий эътибор зотдор моллардан насл олиш, шу тариқа, тармоқда ривожланишга эришишга қаратилган.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КИЧИК БИЗНЕС – БУНЁДКОР КУЧ



(Давоми. Боши 1-бетда).

бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар берилаётгани энди иш бошлаган ишбилармонларга жуда катта мадад бўлмоқда.

Ушбу корхона кунига 10 минг дона полипропилен қоп ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда маҳсулот озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга, хусусан, ун ва цемент заводларига, фермер хўжаликларига етказиб берилаяпти. Эътиборлиси, бу ерда мижоз талабидан келиб чиққан ҳолда, турли ўлчам ва ҳажмдаги қоплар тайёрланаётир.

Корхонада меҳнат қилаётган ёшларнинг шижоатини кўриб, ҳавас қиласан, киши. Замонавий ускуналар тўлиқ маҳаллий йигит-қизлар томонидан бошқарилаяпти-да. Уларнинг меҳнати билан полипропилен толалар зумда тўқилиб, тайёр маҳсулотга айланмоқда.

— Биргина Янгийўл шаҳрида яна учта қоп ишлаб ишлаб чиқариладиган корхона бор экан, рақобатдан чўчимадингизми? — дея сўраймиз корхона раҳбари Ш. Исмоиловдан.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад рақобат муҳитини шакллантириш, — дейди у. — Бу бозор иқтисодиётининг бош мезонидир. Чунки рақобат бор жойда изланиш, демакки, ривожланиш бўлади. Қолаверса, биз бир йўналиш билан чегараланиб қолмаймиз. Ҳадемай, тикув цехини ишга туширмоқчимиз. Шунинг эвазига яна 10 та янги иш ўрни очилади.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Яхши хабарлар**

***"Зилолатекс" ҳиссадорлик жамияти Жиззах бозорларини трикотаж буюмлари билан таъминлаш йўлида самарали фаолият кўрсатаяпти.***

## Замонавий технология туфайли

Жорий йилнинг дастлабки чорагида жамоа аҳолига 1 миллион донадан зиёд трикотаж маҳсулоти етказиб берди.

Ўтган ойда ҳиссадорлик жамияти ўз даромадлари ҳисобидан ҳамда олинган 400 миллион сўм кредит эвазига корхона цехларини модернизациялашга эришди. Кореяда ишлаб чиқарилган тўқув машиналари эндиликда четдан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини босадиган, рақобатбардош трикотаж буюмлар тайёрлаш имконини бермоқда.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қўнғиротнинг сифатли ғиштлари

***Бундан икки йил муқаддам иш бошлаган "Қўнғирот ғишт" заводида дастлаб беш киши ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 30 нафарга етди.***

Корхонанинг сифатли ғиштларига бугунги кунда Қўнғиротдан ташқари, Қанғликўл, Мўйноқ, Шуманай туманлари, ҳатто Нукусда ҳам талаб ортмоқда.

Яқинда корхонага Хитойнинг "Бушин" компаниясидан янги технология келтирилиб ўрнатилди. Бу билан бир кеча-кундузда қўшимча 50 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ва 40 та янги иш ўрни яратиш имконияти юзага келди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ

**сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлар моҳиятини белгилади**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ганидек, ёруғ бўлади. Сайловчилар билан мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг яқинда матбуотда эълон қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори хусусида ҳам сўз борди. Таъкидлаш лозимки, мазкур қарор тадбиркорликни эндигина бошлаётганларга янада қулайлик ва имтиёзлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Мухтасар айтганда, сайловчиларимиз ушбу учрашувлар туфайли профессионал парламент фаолиятидан, кўплаб қонунларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлдилар. Бу аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада оширади. Ва, ўз навбатида, уларда жамиятимиздаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини юксалтиради. Демак, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг пойдевори янада мустаҳкам бўлишига ишонч ортаверади.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Навоий вилояти:***

# ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНА

***— бу мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этишнинг муҳим омилидир***

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гап шундаки, эркин индустриал-иқтисодий зонада ишлаб чиқарувчилар шерикларни мустақил танлаш, маҳсулотларнинг тури, ҳажми ва нархларини кучли рақобат, бозорнинг талаб-таклифлари асосида белгилаш, ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш масалаларини ўз хоҳишича ҳал этиш, уларга иш ҳақини миллий ва чет эл валютасида бериш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, бундай зонада ишлаб чиқариш муносабатларига мос равишда молия ва ҳисоб институтлари тизими ташкил этилади. Бу тизим таркибига миллий ва хорижий валюталар бўйича операциялар олиб борувчи давлат ва тижорат банклари, тижорат-хўжалик судлари, валюта ва фонд биржалари киради.

Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу ерда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларига экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир қимматбаҳо металлар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётгани, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани бу воҳанинг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан сўнгги йилларда Навоий шаҳри аэропортида тўлиқ реконструкция ва модернизация ишлари рўёбга чиқарилди. Натижада халқаро андозаларга мос 4 километрдан кўпроқ учиш-қўниш йўлаги қуриб битказилиб, замонавий бошқариш тизими бунёд этилди, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражада оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учириш имкониятлари яратилди. Ушбу аэропортдаги қитъалараро интермодал логистика маркази эса Ҳамдўстлик давлатларида ягона бўлиб, бу ерда юкларни тезкорлик билан тушириш, ортиш, тақсимлаш, махсус омборларга жойлаштириш мумкин. Осиёдан Европага, Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Жанубий Кореядан лизинг асосида 2 та "А 300-600 F" русумли юк самолётини харид қилиб, уларни логистика ихтиёрига берди. Пировардида марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун жаҳондаги барча юк бозорларига йўл очилди. Чунки янги ҳаво кемасининг ҳар бири 40 тоннагача юк билан 7 минг километр масофани тўхтамасдан босиб ўта олади.

Кўриниб турибдики, Навоий аэропортида халқаро қатновни амалга оширадиган барча замонавий самолётларга тезкор, юқори сифатли техник ва сервис хизмати кўрсатиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Давлатимиз раҳбари 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида "Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида барпо этилган аэродромни халқаро оператор "Кореан Эйр" компаниясига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилади" дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун чет элларда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси — ЭИИЗга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Президент Фармонида унинг фаолияти 30 йилга мўлжаллангани, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкинлиги, зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар замонавий хорижий техника ва асбоб-ускуналар, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдек долзарб йўналишларда иш олиб боришлари, бунда ишлаб чиқарувчиларга алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари қўлланиши, уларга бир қатор имтиёзлар берилиши белгиланганлиги бу қизиқишга сабаб бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишлаб ўтказилган анжуманда кореялик ишбилармонлар билан умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан кўпроқ 35 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

— Айни кунларда зонада қурилиш ишлари жадал олиб борилаяпти, — дейди ЭИИЗ дирекцияси директори Азамат Авезов. — Шу йил 1 май ҳолатига кўра, 1404 нафар ишчи ва 92 та машина-механизм кучи билан 9,6 километр узунликдаги ҳудудни ўровчи девор тикланди, 2,2 километрлик йўл қурилди, ташқи электр таъминоти бўйича белгиланган юмушлар ниҳоясига етказилди, 6,3 километрлик табиий газ, 2,066 километрлик ичимлик суви ва канализация тармоқлари барпо этилди, 4,7 километр масофага эса темир йўл излари ётқизилди.

Яқинда эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги делегацияси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг минтақавий қўшма анжумани доирасида БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва Автомобиль транспорти халқаро иттифоқи ҳамда мамлакатимизнинг Эрондаги элчихонаси ҳамкорлигида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасининг тақдимотини ўтказди.

Тадбирда ИҲТга аъзо давлатлар, Экспедиторлик уюшмалари халқаро федерацияси, Халқаро йўл федерацияси, БМТ ЕИК ва унинг Транс-Европа темир йўл лойиҳаси, Темир йўл транспорти халқаро қўмитаси, АТХИ сингари халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Болгария ва Украина элчихоналари ходимлари иштирок этди. Тақдимот давомида унинг иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва Фармони билан ташкил этилган ЭИИЗ ҳамда Навоий шаҳри аэропортидаги халқаро логистика марказининг имкониятлари, зонада алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари жорий этилиши хусусида батафсил маълумот берилди. Тақдимотда сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг бой транспорт ва коммуникация имкониятлари, юртимиз ҳудуди орқали ўтадиган транзит қатновлар сонининг тобора ўсиб бораётгани ва Ўзбекистон раҳбарияти томонидан мамлакат ҳудудида тижорат, ишлаб чиқариш ва сармоявий фаолиятни олиб бориш учун яратилган шарт-шароитларни алоҳида қайд этдилар.

Фармонда белгиланганидек, 2010 йил 1 январгача бўлган муддатда эркин индустриал-иқтисодий зонанинг Бош режаси ва зарур лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланди. Уларнинг бажарилиши, ўз навбатида, нафақат Навоий вилояти, балки мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати янада мустаҳкамланишига, юртимиз обод, халқимиз турмуш даражаси ошишига хизмат қилади.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Молия муассасаларида**

***Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва бу изчиллик билан давом эттирилмоқда. Айниқса, иқтисодий ислоҳотлар ўзининг дастлабки меваларини берди. Негаки, барча ислоҳотлар, энг аввало, ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлди. Парламентимизда қабул қилинган қонунлар бугун ҳаётда фаол ишламоқда. Ушбу қонунлар, Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар силсиласида "Агробанк" ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси, унинг жойлардаги филиаллари жамоасининг ҳам ўз улуши бор.***



AGROBANK

# «ҚИШЛОҚ ФАРОВОНЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МАЗМУНИ»

***«Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси жамоасининг шиори шундай.***

**Б**ирлашма аҳли тегишли қонун ва қарорлар ҳамда Марказий банк талаб ва кўрсатмалари асосида, биринчи галда, қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириб келмоқда. Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, банк ликвидлиги ҳамда ресурс базасини янада мустаҳкамлаш асосида иқтисодиётнинг реал секторини, айниқса, кичик бизнес субъектларини, деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлаш, аҳолига истеъмол ва ипотека кредитлари, чорва моллари сотиб олишга сармоялар ажратиш борасида муайян ишларни бажарди. Айниқса, кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифати яхшиланганлиги туфайли мижозлар сафи кенгайди.

2009 йил 1 май ҳолатига кўра, бошқарма филиаллари томонидан 14912 нафар мижозга хизмат кўрсатилди. Уларнинг 9338 таси қишлоқ хўжалиги корхонасидир. Айни вақтда улар сони йил бошидагига нисбатан 253 тага ошди. Аслида, бу кўрсаткич молия муассасасининг мамлакатимизда ривожланаётган бозор муносабатлари билан узвий ва барқарорликда юксалаётганидан далолатдир. Ҳозирги кунда Тошкент вилояти туманлари ҳудудида «Агробанк»нинг 12 та филиали ва 57 та минибанки фаолият кўрсатмоқда.

«Агробанк» ОАТБ вилоят бошқармаси филиаллари томонидан 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида иқтисодиётнинг турли тармоқларига ва аҳолига жами 29980,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан қишлоқ хўжалиги соҳасига 24519,2 млн., саноат соҳасига 1834,3 млн., қурилиш соҳасига 20,0 млн., савдо соҳасига 1229,0 млн., хизмат кўрсатиш соҳасига 1234,2 млн. сўм берилди. Бундан ташқари, истеъмол кредитларига ажратилган сумма 211,3 млн. сўмни, шунингдек, бошқа соҳаларга берилган маблағ 932,1 млн. сўмни ташкил этди.



2009 йил давомида деҳқончилик билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 30 млрд. 609 млн. сўм ажратилди. Ушбу кўрсаткичнинг 9 млрд. 981,7 млн. сўми ғалла, 20 млрд. 627,3 млн. сўми эса пахта ҳосили учун йўналтирилган имтиёзли кредит ҳисобланади.

Бугунги кунда аграр соҳани замонавий техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўтган давр мобайнида банк туман филиаллари томонидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 млрд. 967,3 млн. сўм кредит ажратилиб, бу маблағга 59 та техника ва ускуна ҳамда эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Жумладан, битта «Енисей-954-КЗС» русумли дон ўриш комбайни, 46 та ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторi, битта сув чиқариш насоси, 4 та культиватор ва 7 та бошқа турдаги техника ҳамда мосламалар харид қилинди.

Жорий йилда чорва моллари сотиб олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, шу мақсад учун 103,0 млн. сўм ажратилди. Бундан ташқари, уруғлик картошка сотиб олишга 43,0 млн., мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 27,9 млн., балиқчиликни ривожлантириш учун 17,0 млн., иссиқхона ташкил этишга 30,0 млн., қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар харид қилишга 220,0 млн., факторинг хизматлари ва аграр соҳа билан боғлиқ бошқа харажатлар учун 972,2 млн. сўм кредит берилди. Техника ва ускуналарнинг барчаси вилоятдаги фермер хўжаликларига тарқатилди.

Бугунги кунда "Агробанк" вилоят бошқармаси кириб бормаган соҳа, қўллаб-қувватламаган тармоқ йўқ. Дастурхонимиз тўкинлиги, юртимиз фаровонлиги йўлида фаолият юритаётган неки корхона, муассаса ёхуд жисмоний шахс борки, уларнинг аксарияти бошқарма ва унинг филиаллари мижози ҳисобланади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш йўналиши бўладими, маҳаллий ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш керакми, иссиқхоналар, паррандачилик хўжаликлари ташкил этиш, сервис соҳасини юксалтириш зарурати туғиладими ёхуд тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш эҳтиёжи борми, қўйингки, бошқарма аҳли ҳамма-ҳамма жойда ўз хизматлари билан ҳозиру нозир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида жисмоний шахсларга 216,7 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари берилди. Ушбу сумманинг 140,4 млн. сўми ёш оилаларга ажратилди. Шунингдек, янги дўконлар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун 77,0 млн. сўмлик маблағ йўналтирилди. Қолаверса, ипотека кредити ҳам ана шу хайрли ишларнинг узвий давомидир. Уй-жой қуриш ва сотиб олишга иштиёқманд кишилар учун бу тадбир ниҳоятда асқотмоқда.



Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низом» талаблари асосида ўтган даврда 147,3 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Шундан 69,8 млн. сўми ёш оилаларга берилди.

Бошқарма ва унинг филиаллари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, бу — аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиб, муддатли ва жамғарма депозитларини ўстириш йўли билан ўз ресурс базасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу боис жойларда юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш бўйича ташвиқот-тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган.

Аҳолига кўрсатилаётган қулай ва манфаатли банк хизмат турларини янада такомиллаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни кенгайтириш мақсадида "Агробанк" ОАТБ бошқаруви томонидан жорий йилда янги «Оқ олтин», «Пахтакор», «Фаровонлик», «Барака», «Саховат», «Маиший тўлов», «Тошкент — 2200 ёшда» «Тараққиёт», «Навниҳол», «Агролюкс», «Агрокапитал», "Омад", "Талабалик — олтин даврим" каби мижозлар учун қулай бўлган фоизларда (йиллик 16 дан 26 фоизгача белгиланган) муддатли ҳамда жамғарма омонат турлари жорий қилинди. Ана шу хайрли саъй-ҳаракатлар натижасида 30 га яқин омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағлари мунтазам қабул қилинмоқда.

**Д**арҳақиқат, «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси ва филиаллари мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасида белгиланган вазифаларни бажариб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ҳамда иқтисодиётнинг агросаноат сектори корхоналарига кредит бериш ва уларни молиялаштириш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги ниятлари янада улуғ. Тошкентлик "агробанк"чилар бундан кейин ҳам хизматлар сифати ва қулайлигини оширишга йўналтирилган банк сиёсатини шакллантириш, шунингдек, аҳоли ҳамда қишлоқ тадбиркорларига кенг кўламли банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиш даражасини, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун бор куч-ғайратларини сафарбар этишига ишонамиз.

**«Агробанк» ОАТБ матбуот хизмати.**

t

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Энг қадимий сопол хумча

***Хитойнинг Хунань музофотида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида қадимий сопол хумча топилган, дейилади "Nature" журналида.***

У 18 минг йил муқаддам ясалган бўлиб, ҳозиргача топилган шу турдаги буюмлар ичида энг қадимийси саналади. Тадқиқотчилар хумча кулолчилик тарихини ўрганишда янги уфқларни очишини таъкидлашмоқда. Чунки айни пайтгача Шарқий Осиё ҳудудларида ушбу соҳа билан бундан 15-16 минг йил олдин шуғуллана бошланган, деган хулоса мавжуд эди.

Ўрта ер денгизи минтақаларида эса кулолчилик тарихи бундан 10 минг йил муқаддам пайдо бўлгани аниқланган.

### Қолдиқлари топилди

***Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридан парвозни амалга оширган ва Атлантика океани устида бедарак йўқолган, "Air France" (Франция) авиакомпаниясига қарашли "А330-200" йўловчи самолётини қидириш ишлари давом этмоқда.***



Ҳаво лайнери самога кўтарилганидан сўнг тўрт соат ўтгач ғойиб бўлган.

Уни қидириб топиш ишларига Бразилия ҳамда Франция ҳарбий кучлари жалб этилган. Сўнгги маълумотларга кўра, Атлантика океанида самолётнинг қолдиқлари топилган.

Айтиб ўтиш жоиз, ушбу ҳаво лайнери бортида 216 йўловчи ва 12 нафар экипаж аъзоси бўлган.

### Алоқалар тикланмоқда

***"AFP" ахборот агентлигининг хабар беришича, Сальвадор ва Куба мамлакатлари дипломатик муносабатларни тиклаган.***

Бу борада икки давлат расмийлари муҳим ҳужжатга имзо чекишган. Кузатувчилар фикрига кўра, Куба ва Сальвадор давлатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ижобий томонга ўзгаришида Сальвадорнинг янги президенти Маурисио Фунес жонбозлик кўрсатган. Чунки у сайловолди учрашувларида Куба билан алоқаларни тиклашни бир неча бор айтиб ўтганди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур давлатлар алоқалари 1959 йилда узилиб қолган эди. Ўшанда бу ҳолатни Сальвадор томони Фидель Кастронинг ҳукумат тепасига келиши билан изоҳлаганди. Сал аввалроқ Куба билан Коста-Рика ҳам алоқаларини тиклади.

### Тоза океан сувлари

"Biogeosciences" журнали биологлар биринчи бор Ер шаридаги тоза океан сувлари жойлашган ҳудудлар харитасини тузишга эришишди, дея маълумот тарқатди.

Бундай минтақалар "NASA Terra" номли махсус космик аппарат ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотчилар янги кашф этилган харита дунё океанларининг иқлим ўзгаришларига таъсирини ўрганишда муҳим омил бўлишини таъкидлашмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

***Пойтахтимизда "Маданият, таълим, санъат ва тарих масалаларининг нодавлат нашрларда ёритилиши" мавзуида уч кунлик ўқув анжумани ўтказилди.***

**Анжуман**

Мазкур тадбир "Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди" ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда нодавлат нашрларда фаолият юритаётган ёш ижодкорлар ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабалари қатнашдилар.

Йиғиннинг илк кунида иштирокчилар Ёшлар ижод саройи ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказида бўлиб, ушбу ташкилотларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг анжуман қатнашчилари эътиборига "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ёшлар иқтидорини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор янги лойиҳалари ҳавола қилинди.

— Энг муҳими, анжуман қатнашчилари журналистика соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар иштирокидаги семинар-тренингларда қатнашиб, назарий ва амалий билимларини бойитишга эришишди, — дейди "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси вакили Фозила Ашурова. — Хусусан, ёш журналистлар учун интервью олиш маҳорати, репортаж тайёрлаш жараёни каби мавзуларни қизиқарли интерактив ўйинлар, тестлар, блиц-муҳокамалар воситасида маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Тадбир якунида журналистлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий "Энг яхши ижодий ишлар" танлови эълон қилинди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Когон туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернати кутубхонаси 165 номдаги янги бадиий китоблар билан бойиди.***

### КИТОБ ТЎПЛАШ МАРАФОНИ

Янгиҳаёт қўрғонида фаолият кўрсатаётган "Баназир" хусусий фирмаси бир миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, ушбу билим масканига лотин ёзувидаги китобларни тортиқ этди. Туман халқ таълими бўлимидан хабар қилишларича, китоб тўплаш марафони доирасида амалга оширилган бу хайрли тадбирлар давом эттирилаяпти.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


LOK Kolor SINTEZ
Қўшма корхонаси



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ

ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВГА ЧИДАМЛИ ҚОПЛАМАЛАРИ (деворлар ва шиплар, нам бинолар учун бўёқлар)
ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёқ)
Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ
Пол учун ЭМАЛЬ
Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ
Сув ҳавзалари учун БЎЁҚЛАР
Ёғоч ва металлда ички ишлар учун АЛКИДЛИ БЎЁҚ
Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР
Йўл чизгилари учун БЎЁҚ
Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛАКЛАР
ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка)
БИТУМЛИ МАТЕРИАЛЛАР (лак, мастика)

Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (998 71) 291-74-63.
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz
ISO 9001; ISO 14001; ISO 18001



GUNWOO
ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАРни таклиф этади.
Диаметри 100 мм. дан 1000 мм. гача.

ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ: суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.

1. Ичимлик суви таъминоти учун босимга чидамли, уч қатламли қувурлар (225-800 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1000 мм.)
3. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
4. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)

Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.

ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.
ФАКС: (370 71) 715-63-16.
Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., Қангли к., 16-«А» уй.
gunwoo@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган.



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


"Ўзстандарт" агентлиги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси жамоаси Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Зафар Нортожиевга отаси

**Шоймардон НОРТОЖИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг нафақадаги ходими, шоир, педагогика фанлари доктори, профессор

**Сафо ОЧИЛнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш кафедраси катта ўқитувчиси Рўзигул Сайфутдиновага қизи

**Ҳилола САЙФУТДИНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

